

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ

ЛАТИПОВ АБДУЛАЗИЗ ЯШИНОВИЧ

ИНФАРКТДАН КЕЙИНГИ КАРДИОСКЛЕРОЗ ЛОКАЛИЗАЦИЯСИНИНГ
ДИАСТОЛИК ФУНКЦИЯГА ВА НАТРИЙУРЕТИК ПЕПТИД
ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2026

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in medical
science**

Латипов Абдулазиз Яшинович

Инфарктдан кейинги кардиосклероз локализациясининг диастолик
функцияга ва натрийуритик пептид даражасига тасири.....3

Латипов Абдулазиз Яшинович.

Влияние локализации постинфарктного кардиосклероза на
диастолическую функцию и уровень натрийуретического
пептида.....21

Latipov Abdulaziz Yashinovich.

The influence of the localization of post-infarction cardiosclerosis on
diastolic function and natriuretic peptide levels
.....39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works.....43

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ

ЛАТИПОВ АБДУЛАЗИЗ ЯШИНОВИЧ

ИНФАРКТДАН КЕЙИНГИ КАРДИОСКЛЕРОЗ ЛОКАЛИЗАЦИЯСИНИНГ
ДИАСТОЛИК ФУНКЦИЯГА ВА НАТРИЙУРЕТИК ПЕПТИД
ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2023.3.PhD/Tib3750 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Аляви Анис Лютфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, академик

**Расмий
оппонентлар**

Абдуллаева Чарос Абдужалиловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент
Шодиқулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

**Витебск давлат тиббиет университети (Белорусь
Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____кунни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Ғиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Ғиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2026 йил «___» _____даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ходжиева

Д.Т.

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Миокард инфаркти (МИ) – миокарддаги уткир ишемия оқибатида юзага келадиган некроз жараёни бўлиб, у бутун дунё бўйлаб юрак-қон томир касалликлари орасида энг кенг тарқалган ва ўлим ҳолатларининг асосий сабабларидан бири саналади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 15 миллионга яқин инсон миокард инфарктни бошдан кечиради, ва уларнинг катта қисмида турли даражада юрак функциясидаги бузилишлар қайд этилади¹. Миокард инфарктдан кейин юрак тўқимасида рўй берадиган некроз жараёни оқибатида миокарднинг зарарланган қисми фиброз (чандиқ) тўқимага алмашади. Бу ҳолат «постинфаркт кардиосклероз» деб юритилади. Чандиқ тўқимаси контрактил (қисқариш) қобилиятига эга бўлмагани учун, у чап қоринчанинг гемодинамикасини, айниқса унинг диастолик функциясини сезиларли даражада бузади².

Жаҳонда инфарктдан кейинги кардиосклерозни эрта босқичларда ноинвазив усуллар орқали ташхислаш, уларда касаллик ривожланиш маркерларини аниқлаш, беморларни анъанавий ва ноанъанвий хавф омиллари бўйича страфикация қилиш, оптимал даво тури ҳамда касаллик эрта босқичларда ташхислаш алгоритмни ишлаб чиқиш долзарблигича колмоқда. Ҳозирги вақтда постинфаркт кардиосклерозни ташхислашда миокард шикастланишини башоратлашда трансоракал эхокардиография орқали муҳим ахамият касб этади. Постинфаркт кардиосклерознинг юрак функциясига таъсири унинг локализацияси, чандиқнинг майдони ва чуқурлигига боғлиқ бўлади. Айрим локализациялар, айниқса олдинги девордаги кенг инфарктлар, чап қоринча геометрияси ва комплаентлигига кучли таъсир кўрсатади, бу эса диастолик дисфункция ва систолик етишмовчиликнинг ривожланишига олиб келади. Шунингдек, инфарктдан кейинги ҳолатда натрийуретик пептидлар (айниқса BNP ва NT-proBNP) даражасининг ошиши юракдаги босим ва чўзилиш кучайиши билан боғлиқ бўлиб, улар беморларда юрак етишмовчилиги ва прогнозни баҳолашда муҳим биомаркерлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам, миокард инфаркти ҳолатлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Шу билан бирга, аҳолининг қариши, ёндош хасталиклар (гипертония, қандли диабет, метаболик синдром) ва кечикиб мурожаат қилиш каби омиллар постинфаркт асоратлар, хусусан чандиқ туфайли юзага келадиган юрак функцияси бузилишлари хавфини оширмоқда. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини сифат жиҳатдан ривожлантириш. Шу муносабат билан, миокард инфарктидан кейинги чандиқнинг локализациясини, унинг юракнинг

¹World Health Organization. *Cardiovascular diseases (CVDs). Fact sheet.* WHO, 2023.

²Braunwald E., Zipes D.P., Libby P., Bonow R.O. *Braunwald's Heart Disease: A Textbook of Cardiovascular Medicine.* 11th ed. Philadelphia: Elsevier, 2019.

диастолик функциясига ва биомаркерлар даражасига таъсирини ўрганиш жуда долзарб илмий ва амалиётий масала ҳисобланади. Бу ҳолатни чуқур таҳлил қилиш орқали, инфарктдан кейинги беморларда эрта ташхис, прогноз ва индивидуаллаштирилган даво усулларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Шу сабабли, мазкур тадқиқотнинг долзарблиги Миокард инфарктдан кейинги ЧҚ диастолик функциясини бошқаришга қаратилган янада аниқ ташхис ва даво усулларини ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқ. Ушбу тадқиқот натижалари амалиётга катта ҳисса қўшиши ва беморлар учун индивидуаллаштирилган даво йўлларини яратиш ҳамда узоқ муддатли натижаларни яхшилаш имконини бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПК:5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисидаги ” ҳамда 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон – “2022–2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт 8 стратегияси тўғрисидаги” Фармони, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётида миокард инфарктидан кейинги ремоделланиш ва диастолик функциянинг бузилиши кенг ўрганилган. Młynarska E, J. ва ҳаммуаллифлар (2024) томонидан ўтказилган тадқиқотда диастолик функциянинг бошланғич босқичдаёқ бузилиши келгуси юрак етишмовчилиги ва ўлим хавфини ошириши исботланган. Jiang H., Fang T. ва Cheng Z. (2023) тадқиқотларида миокард инфарктидан кейин юрак етишмовчилиги шаклланишининг асосий патогенетик механизмлари чуқур таҳлил қилинган. Vlasopoulou K., Synetos A., Ktenopoulos N. ва ҳаммуаллифлар (2025) томонидан ўтказилган илмий таҳлилда чап қоринчанинг диастолик дисфункциясини аниқлаш ва бошқаришнинг замонавий механизмлари ёритилган. Remmelzwaal S. et al. (2020) тадқиқотида баён этилган хулосалар билан мос келади, яъни NT-proBNP юрак диастолик босими ва релаксация бузилишининг ишончли кўрсаткичи сифатида ахамиятли.

Охирги йилларда олиб борилаётган бир қатор тадқиқотлар юрак қон томир касалликларининг патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган. Сурункали юрак етишмовчилигининг шаклланиши, клиник кечиши ва прогнозида муҳим омил бўлган чандиқ локализациясини баҳолаш терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга (Inamdar A.A., 2016; Беленков Ю.Н ва бошқалар., 2021). Миокард инфарктидан кейинги

чандиқланиш (постинфаркт кардиосклероз) ва унинг чап қоринчанинг диастолик функцияси ҳамда биомаркерлар даражасига таъсири, айниқса, натрийуретик пептидлар (BNP ва NT-proBNP) билан боғлиқ ўзгаришлар, сўнги йилларда кардиология соҳасидаги муҳим тадқиқот йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда сўнги йилларда МИдан кейинги юрак етишмовчилиги, эхокардиография усуллари орқали диастолик функцияни баҳолаш ва NT-proBNP каби биомаркерларни клиник амалиётга жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий терапия ва тиббий реабилитация маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий амалий кардиология маркази, Тошкент тиббиёт академияси, ва Бухоро давлат тиббиёт институтларида юрак етишмовчилиги ва инфарктдан кейинги асоратлар мавзусида қатор илмий ишлар ҳимоя қилинган. Жумладан Камилова У.К., Гуломов Х.А., Абдуллаев Т.А., Муллабаева Г.У., ва бошқалар (2023) нинг тадқиқотларида NT-proBNP ва ST2 биомаркерларининг чап қоринча индексли параметрлари (LAVI, ЧҚММ) билан яқин корреляцион боғланиши исботланган. Турсунов Х.М. Кенжаев С.Р., Кенжаев М.Л. (2017) илмий ишларида инфарктдан кейинги ремоделланиш ва миокарднинг қайтар ва қайтмас дисфункция зоналарининг аҳамияти ва даволаш усуллари аниқланган. Академик Аляви А.Л. ва бошқаларнинг (2017) тадқиқотларида ЮИК беморларда стент қўйишдан кейин чап қоринчанинг диастолик функцияси ва юрак ичи гемодинамикасидаги ўзгаришларни таҳлил қилган. Бекметова Ф.М., Фозилов Х.Г., Бекбулатова Р.Ш. ва бошқалар (2025) спекл-трекинг эхокардиография (STE) усули орқали сурункали юрак етишмовчилиги ишемик генези билан касалланган беморларда юрак ремоделланишининг босқичларини баҳолаш имкониятлари ўрганилган.

Бироқ кардиосклерознинг аниқ локализациясини ҳисобга олган ҳолда унинг диастолик функцияга ва натрийуретик пептидлар даражасига таъсирини комплекс ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳам жаҳонда, ҳам Ўзбекистонда етарли эмас. Айнан шу жиҳат ушбу диссертация мавзусининг илмий ва амалий аҳамиятини янада оширади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтида (09.2025 PhD 233) “ COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омиллар эрта аниқлаш, ташхишлаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026й.й)” мавзусидаги тадқиқот режалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: инфарктдан кейинги кардиосклерознинг локализациясини ҳисобга олган ҳолда чап қоринчанинг диастолик

функцияси ва натрийуретик пептидлар (BNP ва NT-proBNP) даражасидаги ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, ушбу омилларнинг клиник аҳамияти ва прогноз кўрсаткичлари билан боғлиқлигини баҳолаш.

Тадқиқот вазифалари:

миокард инфарктдан кейинги кардиосклерозга учраган беморларда чап қоринчанинг диастолик функция ҳолатини эхокардиографик усуллар орқали баҳолаш;

постинфаркт даврида BNP ва NT-proBNP каби натрийуретик пептидлар даражасини аниқлаш ва уларнинг диастолик дисфункция билан боғлиқлигини ўрганиш;

чандиқнинг анатомик локализациясини (олдинги, орқа) аниқлаш ва унинг систолик функцияга таъсир даражасини таҳлил қилиш;

чандиқ локализацияси ва натрийуретик пептидлар даражаси ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш;

тадқиқот натижалари асосида постинфаркт беморларда индивидуаллаштирилган клиник баҳолаш ва реабилитация тактикалари учун таклифлар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтакавий филиали даволанаётган ИККС билан хасталанган 35-65 ёшдаги 150 та бемор тадқиқотга киритилиши режалаштирилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида миокард инфаркти ўтказган беморларни локализациясига қараб чап қоринчанинг диастолик, систолик функциялари кўрсаткичлари, иммунофермент таҳлил (ИФА) усулида NT-pro BNP миқдори аниқлаш, реваскуляризациядан сўнг миокарднинг морфофункционал ҳолати, глобал бўйлама деформация (GLS) кўрсаткичи, коронар артерияларнинг ангиографик шикастланиши ва ноқулай оқибатлар хавфига таъсир қилувчи омиллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. клиник кўрик, электрокардиография, эхокардиография, спекл-трекинг эхокардиография, коронар артерияларнинг ангиографияси, статистик таҳлил усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

миокард инфарктдан кейинги кардиосклероз локализациясининг чап қоринчанинг диастолик ва систолик функциясига таъсири биринчи марта ўзаро солиштирилган ҳолда клиник-эхокардиографик ва NT-proBNP биомаркерли кўрсаткичлар билан таҳлил қилиниб, постинфаркт чандиқ локализацияси ЧҚ диастолик функциясига сезиларли таъсир кўрсатиши, айниқса, олд девордаги чандиқ энг ёмон кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлиб, IVRT ортиши ва Е/А нисбати пасайиши исботланган;

постинфаркт кардиосклерози бўлган беморларда ангиографик тож томилар шикастланиш даражаси ва чандиқ локализацияси

ўртасидаги боғлиқлик ўрганилиб, уларнинг MACE (ўлим, қайта МИ, госпитализация) ривожланишига тўсири баҳоланган;

миокард инфарктини бошдан кечирган беморларда натрийуретрик пептидлар даражасининг диастолик функция ҳолати билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги аниқланиб, олдинги девор инфарктида БНП даражаси орқа локализацияга нисбатан 1,5 баробар юқори бўлиши ҳамда ушбу кўрсаткичлар клиник ҳолат ва диастолик функция динамикаси билан биргаликда прогностик аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

функционал ҳолат, чандиқ локализацияси ва биомаркерлар (БНП ва NT-proBNP) кўрсаткичларига асосланган ҳолда индивидуаллаштирилган баҳолаш эрта диагностика ва прогнозлашдаги аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган алгоритми ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижалари инфарктдан кейинги кардиосклерознинг анатомик локализациясини ҳисобга олган ҳолда, чап қоринчанинг диастолик ва систолик функциясини баҳолашда индивидуаллаштирилган ёндашувни шакллантириш имконини берган. BNP ва NT-proBNP даражалари билан эхокардиографик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш орқали юрак етишмовчилиги ва диастолик дисфункцияни эрта аниқлаш ва баҳолаш самарадорлиги оширган.

Постинфаркт ҳолатдаги беморларнинг кардиоремоделланиш хусусиятларини таҳлил қилиш ва асоратлар ривожланиши эҳтимолини прогнозлаш имкони яратилган.

Тадқиқот асосида ишлаб чиқилган даволаш ва кузатув алгоритмлари клиник амалиётга жорий этиш учун мўлжалланган бўлиб, инфарктдан кейинги даврдаги беморлар учун индивидуаллаштирилган реабилитация ва мониторинг дастурларини шакллантиришга ёрдам берган. Ўрнатилган корреляциялар кардиологлар ва шифокорларга биомаркерлар асосида функционал ҳолатни баҳолаш, терапевтик тадбирларни режалаштириш ва клиник қарорлар қабул қилишда объектив мезон сифатида хизмат қилиши мумкин. Ушбу ишнинг натижалари нафақат шифокорлар, балки умумий амалиётдаги мутахассислар учун ҳам диагностика ва назоратни соддалаштирувчи амалий қўлланма вазифасини бажариши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатамизда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини эрта аниқлаш, клиник-функционал кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлаш тамойилларини мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Илмий тадқиқот натижалари бўйича “Миокард инфарктдан кейин кардиосклеротик ўзгаришларга жавобан натрийуретрик пептид контсентратсиясини ўлчаш усули” номли услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2025 йил 28 февралдаги 25-м /028 сонли маълумотномаси) билан тасдиқланган. Натижалар Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (25.03.2025 йил, буйруқ №44); Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро минтақавий филиали бўйича буйруқ (07.04.2025 йил; 01-91/1 сон) клиник амалиётига тадбиқ этилган. (ЎзРес ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 04 сентябрдаги 24/04 сон хулосаси).

биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Чандиқ локализациясини ҳисобга олган ҳолда индивидуаллаштирилган назорат ва даволаш тактикасини қўллаш орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва функционал имкониятлари яхшиланиб, қайта инфаркт, оғир юрак етишмовчилиги ва ногиронлик ҳолатларининг камайишига олиб келди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Чандиқ локализацияси ва диастолик дисфункция даражасини эхокардиография ва NT-proBNP орқали эрта баҳолаш натижасида асоратларнинг олди олиниб, ҳар бир бемор учун қўшимча диагностик ва даволаш харажатларининг битта бемор учун бюджет маблағлари ҳисобидан 1 550 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 980 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Хулоса: Чандиқ локализациясини ҳисобга олган ҳолда индивидуаллаштирилган назорат ва даволаш тактикасини қўллаш орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва функционал имкониятлари яхшиланиб, қайта инфаркт, оғир юрак етишмовчилиги ва ногиронлик ҳолатларининг камайишига ва битта бемор учун бюджет маблағлари ҳисобидан йилига 1 550 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 980 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Кардиоремоделланиш хусусиятларини эрта босқичларда аниқлаш орқали хавф гуруҳларига кирувчи беморларни ўз вақтида ажратиш, уларга мақсадли ва индивидуаллаштирилган даволаш ҳамда динамик назоратни ташкил этиш имконияти яратилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Кардиоремоделланиш жараёнларини прогнозлаш орқали постинфаркт

беморларда асоратларни эрта олдини олиш имконияти яратилди. Бу стационар ва реанимацион ёрдамга бўлган эҳтиёжни камайтириб, даволаш билан боғлиқ тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни қисқартиришга хизмат қилиди. Хар бир бемор учун йиллик стационар даво харажатлари ўртача 3 850 000 сўм бюджетдан ва 3 300 000 сўм миқдорда бюджетдан ташқари харажат иқтисод қилинган. Хулоса: Кардиоремоделланиш жараёнларини прогнозлаш орқали постинфаркт беморларда асоратларни эрта олдини олиш орқали ҳар бир бемор учун йиллик ўртача 3 850 000 сўм бюджет ва 3 300 000 сўм миқдорда бюджетдан ташқари харажат иқтисод қилинган.

учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: постинфаркт беморларда хавф гуруҳларини аниқ белгилаш, индивидуаллаштирилган кузатув ва даволаш тактикасини шакллантириш, юрак етишмовчилиги ва бошқа оғир асоратларнинг олдини олиш орқали беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиб, ногиронлик ва эрта ўлим ҳолатларини камайтириш имкони яратилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Натрийуретик пептид даражаларини диастолик функция кўрсаткичлари билан комплекс баҳолашни клиник амалиётга жорий этиш орқали постинфаркт беморларда асоратларни эрта прогнозлаш имконияти таъминланди, юрак етишмовчилигининг оғир шакллари ривожланишининг олдини олиш, қайта стационар даво ва реанимацион ёрдамга бўлган эҳтиёжни камайтиришга хизмат қилди ва бир нафар беморга бюджет ҳисобидан 3 500 000 сўм, бюджетдан ташқари 3 200 000 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: натрийуретик пептидлар даражалари чап қоринчанинг диастолик функцияси ҳолати билан тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини илмий жиҳатдан асослаш, юрак етишмовчилигининг оғир шакллари ривожланишининг олдини олиш, қайта стационар даво ва реанимацион ёрдамга бўлган эҳтиёжни камайтиришга хизмат қилди ва бир нафар беморга бюджет ҳисобидан 3 500 000 сўм, бюджетдан ташқари 3 200 000 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилишга эришилган.

тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Функционал ҳолат, постинфаркт чандиқ локализацияси ҳамда биомаркерлар – BNP ва NT-proBNP кўрсаткичларига асосланган индивидуаллаштирилган баҳолаш ва даволаш алгоритмининг таклиф этилиши постинфаркт беморларда юрак етишмовчилигини эрта аниқлаш юрак етишмовчилигининг яширин шаклларини барвақт ташхислашга хизмат қилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Индивидуаллаштирилган баҳолаш ва даволаш алгоритмини клиник амалиётга жорий этиш орқали постинфаркт беморларда асоратларни эрта аниқлаш ва мақсадли терапияни ўз вақтида бошлаш орқали битта бемор учун бюджет маблағлари ҳисобидан йилига 2 850 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 900 000 сўмга иқтисод қилиш имконини

берди. Хулоса: Таклиф этилган алгоритм постинфаркт беморларда хавф гуруҳларини аниқ белгилаш, индивидуаллаштирилган даволаш ва динамик кузатув тактикасини белгилаш орқали битта бемор учун бюджет маблағлари ҳисобидан йилига 2 850 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 900 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтакавий филиали ва Навоий вилоят 15 кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадқиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 07 майдаги 17/38-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши сурункали юрак етишмовчилигини эрта ташхислаш, клиник кечишини прогнозлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 халқаро ва 3 республика илмий-амалий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та чоп этилган илмий ишлар рўйхати келтирилган: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, шулардан 7 та журнал мақолалари, шу жумладан 1 таси хорижий мамлакатларда чоп этилган. 6 тезис, шу жумладан 3 та хорижий мамлакатларда, 2 маъруза 1 та услубий тавсиянома ва 1 та электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастур.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та асосий боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот усуллари тизимли баён этилган. Ушбу қисмда тадқиқотнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Миокард инфарктдан кейинги кардиосклероз ривожланиши патогенезига замонавий қарашлар касаллик кечиши, прогнозига таъсири ва даволаш тамойиллари ҳақида замонавий тушунчалар**» деб номланган бўлиб, тўрт бўлимдан

иборат бўлиб, шарҳда касаллик ривожланишининг физиологик жиҳатлари, миокард инфарктдан кейинги кардиосклероз ривожланишининг замонавий тушунчалари таҳлил қилинган. Миокард инфарктдан кейинги кардиосклероз ривожланиши патогенези касаллик кечиши, прогнозига таъсири ва даволаш тамойиллари ёритилган. Адабиётлар шарҳи орқали сўнгги 10 йилда қўлланилган ва тавсия этилган даволаш усулларининг афзаллиги ва камчилиги назарий таҳлил қилинган, шунингдек, муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик талаб қиладиган томонлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Миокард инфарктдан кейинги даврда чап қоринча диастолик функцияси ва натрийуретик пептид даражасига кардиосклероз чандиқ локализациясининг таъсирини баҳолаш учун тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтакавий филиали клиник базаларда кардиология булимида 2023–2025 йиллар давомида амалга оширилди. Тадқиқот кўп босқичли, проспектив ва қисман кесимли (cross-sectional) хусусиятга эга бўлиб, миокард инфарктдан кейинги даврда чап қоринча диастолик функцияси ва натрийуретик пептид даражасига кардиосклероз чандиқ локализациясининг таъсирини баҳолашга қаратилди.

Тадқиқотга умумий ҳисобда **150 нафар бемор** жалб этилди. Уларда аввал ўтказилган миокард инфарктдан кейинги (3 ойдан 12 ойгача) даврда инфарктдан кейинги кардиосклероз аниқланган.

Текширувга киритилган беморларнинг умумий беморлар сони 150 нафарни ташкил этади. Улардан эркаклар: 92 нафар (61.3%), аёллар эса 58 нафар (38.7%) ни ташкил қилди. Текширувга киритилган беморларнинг ўртача ёши 55.2 ± 8.6 ёш (диапазон: 38–72)ни ташкил этди. Тадқиқотга жалб қилинган жами 150 нафар бемор икки асосий клиник гуруҳга ажратилди 1- гуруҳ олдинги локализация (чап қоринчанинг олдинги девори инфаркти) 78 нафар (52.0%); 2- гуруҳ орқа локализация (чап қоринчанинг орқа девори инфаркти) 72 нафар (48.0%). Гуруҳлар сони деярли тенг: Беморларнинг тақсимооти; нисбатан мувозанатли бўлиб, статистик жиҳатдан фарқ қилмайди ($p > 0.05$)

Қуйида 1-жадвалда олдинги ва орқа локализацияли инфарктдан кейинги беморларда ёндош касалликлар ва хавф омиллари тақсимоотининг қиёсий таҳлили келтирилади. Жадвал маълумотларига асосан, икки гуруҳ — олдинги ва орқа девор миокард инфарктдан кейинги беморлар ўртасидаги асосий хавф омиллари ва сурункали касалликлар тақсимооти деярли бир хил. Барча ҳолатлар бўйича статистик аҳамиятли фарқ ($p < 0.05$) аниқланмаган. Барча кўрсаткичлар бўйича олдинги ва орқа локализацияли МИ гуруҳларида ёндош касалликлар ва хавф омиллари бир хил даражада тарқалган.

1- жадвал

Олдинги ва орқа локализацияли инфарктдан кейинги беморларда ёндош касалликлар ва хавф омиллари тақсимоти


№	Кўрсаткич	Олдинги МИ (n = 78)	Орқа МИ (n = 72)	P
1	Ёши, йиллар	52±7,4	50±6	> 0.05
2	Жинси: эркак аёл	48 (61,6%) 30 (38,4%)	44 (61,1%) 28 (38,9%)	> 0.05
3	Артериал гипертония	61 (78.2%)	57 (79.2%)	> 0.05
4	2-тур қандли диабет	24 (30.8%)	22 (30.6%)	> 0.05
5	Гиперлипидемия	53 (67.9%)	48 (66.7%)	> 0.05
6	Тамаки чекиш	36 (46.1%)	29 (40.3%)	> 0.05
7	Семизлик (BMI > 30 кг/м ²)	31 (39.7%)	28 (38.9%)	> 0.05
8	Сурункали бронхит	14 (17.9%)	12 (16.7%)	> 0.05
9	Ошқозон ва 12 бармоқ ичак яраси	10 (12.8%)	8 (11.1%)	> 0.05
10	Буйрак тош касаллиги	11 (14.1%)	9 (12.5%)	> 0.05
11	Оёқ веналарининг варикоз кенгайиши	16 (20.5%)	13 (18.1%)	> 0.05

Ҳар бир беморга эхокардиография (ЭХОКГ), қон таҳлиллари: NT-proBNP даражаси, клиник баҳолаш ўтказилди. Барча беморлар 12 ой давомида кузатилди. 12 ойдан сўнг қуйидаги баҳолашлар амалга оширилди: Қайта ЭХОКГ ва NT-proBNP даражаси – диастолик функция ва юрак юкламаси динамикасини баҳолаш учун MACE (Major Adverse Cardiovascular Events): қайта ИМ, сурункали юрак етишмовчилиги (ХЮЕ) оғирлашиши, аритмиялар, кардиоген ўлим таҳлил қилинди. 1-расмда ўтказилган тадқиқотнинг дизайни келтирилган.

Клиник баҳолаш NYHA буйича СЮЕ функционал синфини, касалхонага ёткизиш частотасини, ўлим ва асоратларни (аритмиялар, ўлим, ва такрорий инфарктлар) аниқлашни уз ичига олади.

Юракнинг морфофункционал ҳолати ва чап қоринчанинг (ЧҚ) ремоделланиш жараёнлари доплерографияли эхокардиография (ЭхоКГ) орқали баҳоланди. Эхокардиографик (ЭХОКГ) текширув Vivid S70 аппарати (АҚШ) ёрдамида стандарт техникадан фойдаланган ҳолда (Америка ултратовуш мутахассислари ассоциацияси тавсияларига мувофиқ) 2,25-3,50 МГц частотали ултратовуш сенсорлари ёрдамида В- ва М-сканерлаш режимларида ўтказилди. Чандиқ локализациясини баҳолаш учун, чап қоринча деворларининг асинэргик зоналарини 16 сегментар модел асосида олиб борилди. Текширувда чап қоринча сўнги диастолик ҳажми (ЧҚ СДХ), сўнги систолик ҳажми (ЧҚ ССХ), чап қоринчанинг сўнги диастолик ва систолик ўлчамлари (ЧҚ СДЎ ва ЧҚ ССЎ), ЧҚ орқа деворининг миокард қалинлиги (ЧҚ ОД), қоринчалараро тўсиқ (ҚАТ) қалинлиги, чап қоринча зарбий ҳажми (ЗХ), отиш фракцияси (ЧҚ ОФ), миокард массаси (ЧҚММ), ЧҚММ индекси аниқланди. М режимда ССЎ ва СДЎ ўлчангач, қўйидаги $1.04 [(LVID + IVST + PWT)3 - (LVID)3] - 13.6$ формуладан фойдаланиб, ЧҚММ аниқланди. ЧҚ миокард массаси индекси (ЧҚММИ) ЧҚММ ни тана майдонига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилган. Эркаклар учун ЧҚММИ > 115 г/м² ва аёллар учун ЧҚММИ > 85 г/м² да чап қоринча гипертрофияси ташхиси

қўйилган.



1-расм

Тадқиқот дизайни

.Коронарография барча беморлар коронарография текширувидан ўтказилди. Таҳлилларда коронар артерия диаметрининг >50% стенози аниқланганда коронар артерияларнинг торайиши муҳим деб топилди.

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар ўртача ёши 51 ± 8 йил бўлган 150 нафар беморлар жалб этилди. Уларда ўткир миокард инфаркти 3 ойдан ортиқ вақт аввал юз берган ва эхокардиография (ЭХОКГ) асосида постинфаркт кардиосклероз аниқланган. Беморлар чандиқ локализациясига қараб 2 гуруҳга бўлинди:

Чап қоринчанинг олд деворида чандиқ ($n=78$);

Чап қоринчанинг орқа деворида чандиқ ($n=72$).

Тадқиқотга фақат систолик функцияси сақланган, яъни чап қоринча чиқариш фракцияси (ЧҚ ЧФ) 50%дан юқори бўлган беморлар киритилди.

Чап қоринчанинг диастолик функциясини баҳолаш учун трансоракал эхокардиография қўлланилди. Диастолик функция баҳоланишида қуйидаги параметрлар ўлчанди:

Эрта (E) ва кеч (A) диастолик қон оқими тезлиги ва уларнинг нисбати (E/A), тўқимали доплер тезлиги (e'), чап бўлмача ҳажм индекси (LAVI).

Ҳар бир беморда клиник кўрик, анамнез, жисмоний текширув ва лаборатор таҳлиллар (тропонин, креатинин, натрийуретик пептид) ўтказилди. Статистик таҳлил SPSS дастури ёрдамида амалга

оширилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларни баҳолаш учун t-тест, ANOVA ва χ^2 -тест, корреляцион таҳлил қўлланилди.

Диссертациянинг учинчи бобида «Инфарктдан кейинги чандиқ локализациясининг чап қоринча диастолик фаолиятига таъсирини баҳолаш» деб аталган учинчи бобида текширилган гуруҳларда тадқиқотга киритилган беморларда ЧҚ диастолик функцияси кўрсаткичлари клиник тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятларининг динамикада баҳоланиши натижасида олинган натижалар кўрсатиб берилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларда чап қоринча диастолик функцияси кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ (n=78) Олдинги локализация	2-гуруҳ (n=72) Орқа локализация
IVRT (мс)	120 ± 4.0	98 ± 3.6*
E (см/сек)	67 ± 3	77 ± 3.2*
A (см/сек)	92 ± 4.4	80 ± 2.8*
LAVI (мл/м ²)	34.2 ± 2.36	32.3 ± 0.74
TRpV (м/сек)	2.7 ± 1.33	2.4 ± 0.39
e' lat (см/сек)	8.3 ± 0.4	10.8 ± 0.6*
e' med (см/сек)	6.1 ± 0.3	8.0 ± 0.4**
E/e'	13.6 ± 5.7	13.8 ± 5.3*
E/A	0.73 ± 0.2	0.96 ± 0.05
I даража (%)	57 (73%)	58 (81%)*
II даража (%)	21 (27%)	14 (19%)*

Изоҳ: LAVI – чап бўлмача ҳажм индекси. *p<0.05, – гуруҳлар орасидаги ишончли фарқ.


Олд девордаги чандиқли беморларда ЧҚ диастолик функцияси сезиларли даражада ёмонлашгани аниқланди. E/A нисбати мос равишда олд гуруҳда 0.83±0.2 ва орқа гуруҳда 0.78±0.32 бўлди. Тўқимали Допплер кўрсаткичлари (e' lat ва e' med) ҳам олд локализацияга эга беморларда сезиларли даражада паст бўлди (p<0.01).

ЧҚ диастолик дисфункциянинг I даражаси II гуруҳда (орқа) 81% ва I гуруҳда (олд) 73% ҳолатда кузатилди. II даражали дисфункция I гуруҳда кўпроқ учради (27% ва 19%, p<0.05).

Олд локализацияга эга гуруҳда изоволюметрик релаксация вақти (IVRT) ўртача 120±4,0 мсни ташкил қилди, бу орқа гуруҳга қараганда анча юқори (98±3,6 мс, p<0.05). E/A нисбати ҳам олд гуруҳда энг паст (0.73±0.2) бўлиб, ЧҚ да жиддий релаксация бузилишларини кўрсатди.


2-расмда инфарктдан сўнгги чандиқ локализациясининг чап қоринчанинг (ЧҚ) диастолик функциясига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. X ўқида чандиқнинг икки локализация гуруҳи кўрсатилган: олд ва орқа. Кўк устунлар ҳар бир гуруҳ учун

изоволюметрик релаксация вақтининг (IVRT) ўртача қийматини (миллисекундларда) акс эттиради, апельсин рангли чизиқ эса шу гуруҳлардаги Е-эрта диастолик тўлиш тезлиги, кулранг чизик билан А-чап қоринчанинг кечки тўлиши тезлиги қийматлари келтирилган. Диаграммадан кўриниб турибдики, олд локализациядаги чандиққа эга беморларда IVRT энг юқори (120 мс) ва Е/А нисбати энг паст (0.73) бўлиб, бу чап қоринча диастолик функциясида энг катта бузилишлар мавжудлигини англатади. Орқа локализациядаги чандиқли беморларда IVRT қиймати энг паст (98 мс)лиги қайд қилинган.



2-расм. Таққосланган гуруҳлардаги IVRT, E ва A кўрсаткичлари (-*p<0.05-гуруҳларда кўрсаткичлар фарқи ишонарлилиги)

3-расмда орқа локализациядаги чандиқли беморлар гуруҳида Е/А нисбати энг юқори (0.96±0.05) бўлиб, МК фиброз ҳалқасининг латерал ва медиал диастолик тезликлари (e'lat ва e'med) сақланган ҳолатда, диастолик функциянинг камроқ бузилганлигини кўрсатади (p<0,05) (расм-3).



3-расм. Тадқиқотга киритилган гуруҳлардаги E/A, e'lat ва e'med кўрсаткичлари (*p<0,05-гуруҳлараро фарқларнинг ишончилиги).

Олд локализация учун IVRTнинг фоиздаги ўсиши 100% ни ташкил қилган, бу орқа (85.2%) ва ён (90.4%) локализацияларга нисбатан юқори. Е/А нисбатининг фоизда камайиши ҳам олд локализацияда энг катта – 100%, орқа локализацияда – 137.5%, ён локализацияда –

112.5% бўлиб, олд девордаги чандиқ энг салбий таъсирга эга эканини кўрсатади.

Диссертациянинг "чап қоринча диастолик функциясидаги ўзгаришлар, чандиқ локализацияси таъсири ва 12 ойлик кузатув натижалари" деб номланган 4-бобида беморларни инструментал текшириш натижалари, беморларни ташхислаш усуллари, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларни олиб бориш усулини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар келтирилган

Текширувга киритилган беморларнинг диастолик функция кўрсаткичларининг дастлабки ва 12 ойдан кейинги қиёсий таҳлили ўтказилди. 3-жадвалда диастолик кўрсаткичларнинг натижалари келтирилган.

3-жадвал

Тадқиқотга олинган беморларнинг 12 ой давомида диастолик кўрсаткичларнинг натижалари

Кўрсаткичлар	1-гурӯх (n=78) Дастлабки	1-гурӯх 12 ойдан сўнг	2-гурӯх (n=72) Дастлабки	2-гурӯх 12 ойдан сўнг	p
LAVI (мл/м ²)	34.2 ± 2.36	36.5 ± 2.4	32.3 ± 0.74	33.4 ± 1.1	<0.01
TRpV (м/сек)	2.7 ± 1.33	2.9 ± 0.42	2.4 ± 0.39	2.5 ± 0.31	<0.05
e' lat (см/сек)	8.3 ± 1.74	7.6 ± 1.5	8.68 ± 1.63	8.4 ± 1.6	<0.01
e' med (см/сек)	6.1 ± 0.78	5.7 ± 0.8	6.36 ± 0.77	6.3 ± 0.7	<0.01
E/e'	13.6 ± 5.7	14.8 ± 5.1	13.8 ± 5.3	13.6 ± 4.9	>0.05
E/A	0.83 ± 0.2	0.76 ± 0.18	0.99 ± 0.32	0.92 ± 0.29	<0.05
IVRT (мс)	115 ± 12	122 ± 11	98 ± 10	101 ± 9	<0.001
I даража (%)	33 (73%)	29 (63%)	43 (81%)	44 (82%)	<0.05
II даража (%)	11 (27%)	17 (37%)	7 (19%)	10 (18%)	<0.05


LAVI кўрсаткичи олд гуруҳда 34.2 ± 2.36 мл/м² дан 36.5 ± 2.4 мл/м² гача ўсди, бу чап бўлмача юкланишининг ошиб боришини билдиради (p<0.01). IVRT 115 ± 12 мс дан 122 ± 11 мс гача ошгани миокард релаксация вақти узайганини кўрсатди, бу диастолик релаксациянинг янада ёмонлашганини билдиради.

12 ойлик кузатув натижаларига кўра, миокард инфарктдан кейинги чандиқ локализацияси чап қоринчанинг диастолик функциясига таъсир этиши давом этгани ва ҳатто чуқурлашгани кузатилди. Айниқса, олдинги девор локализациясига эга беморларда диастолик бузилишлар динамикаси салбий томонга ўзгарган:

12 ой кузатув мобайнида ҳаётга хавф солувчи коринчалар аритмиялари (ҚТ/ҚФ) биринчи гуруҳда 7 (8,97%) нафар беморда, иккинчи гуруҳда эса 2 (2,77%) беморларда учраган. Чап коринча тромби учраши ҳам олдинги девор локализацияли чандикли беморларда статистик ахамиятли равишда куп кайд этилди (2,56% га нисбатан 0%) (p<0,05). Миокард инфарктининг такрорланиши ва кайта реваскуляризация бўйича иккала гуруҳлар орасида яққол статистик фарклар аникланмади (p>0,05), (4-расм)

Ушбу расмда гуруҳларидаги беморларда турли юрак кўрсаткичларининг (эхокардиографик ва гемодинамик параметрлар) дастлаб ва 12 ойдан сўнг ўзгариши таққосланган.


Чап қоринча ҳажми ва массаси таҳлил қилганимизда олдинги девор гуруҳида СДХ, ССХ ва ЧҚММи кўрсаткичлари 12 ойда анча ортиқча ўсган, бу чап қоринчанинг юкламаси ортишидан далолат беради. Орқа гуруҳида ҳам ўсиш бор, лекин умумий тенденция камроқ ва статистик аҳамиятли эмас ёки кам даражада.



4-расм. Чандиқ локализациясига қараб чап қоринча функционал кўрсаткичлари

Инфарктдан кейинги чандиқнинг жойлашуви юрак етишмовчилиги (ЮЕ) кечишига ва беморларнинг прогнозига сезиларли таъсир кўрсатади. Олд девор чандиғи: Олд девор чандиғи бўлган беморларда СЮЕ энг оғир кечди.

Иммунофермент таҳлиллари шундан далолат бердики, олд девор кардиосклерозига эга беморларда NT-proBNP даражаси 580 пг/мл, орқа девор кардиосклерозига эга беморларда эса 456 пг/млни ташкил этди. Бу фарқ статистик жиҳатдан ишончли ($p < 0.05$) ҳисобланади (5-расм).




5-расм. Тадқиқотга киритилган беморлардаги NT-proBNP

кўрсаткичлари

Диастолик дисфункция даражаси ва NT-proBNP концентрацияси ўртасида ўртача кучли ижобий корреляцион боғланиш кузатилди ($r = 0.65$), бу эса клиник алоқани тасдиқлайди. Тадқиқот натижалари шундан далолат бердики, кардиосклероз локализацияси юракнинг диастолик функцияси ва NT-proBNP биомаркери даражаларига салмоқли таъсир кўрсатади. Хусусан олд девордаги чандиқда NT-proBNP даражалари юқори бўлиб, диастолик функция анча бузилган. Бундай беморларда юрак етишмовчилиги хавфи юқори, шунинг учун уларга интенсив даволаш, эрта реабилитация ва мунтазам мониторинг тавсия этилади. Бундан ташқари, ушбу натижалар келгусидаги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жумладан, инфарктдан кейинги юракдаги тузилмавий ўзгаришлар ва уларнинг функцияларга таъсири ўртасидаги боғлиқликни чуқурроқ ўрганиш зарур. Янги биомаркерлар ва тасвирлаш технологиялари асосида диагностика ва даволашнинг персоналлаштирилган ёндашувлари ишлаб чиқилиши мумкин. Тадқиқот шуни кўрсатдики, постинфаркт кардиосклероз локализацияси чап қоринча диастолик функцияси ва NT-proBNP даражаларига таъсир қилади. Олд девордаги чандиқли беморларда энг юқори биомаркер кўрсаткичлари ва энг жиддий функционал бузилишлар кузатилди. Ушбу маълумотлар врачларга беморларнинг ҳолатини яхшироқ баҳолаш, хавф гуруҳларини аниқлаш ва индивидуал даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда МИ ўтказган беморларда олиб бориш алгоритми тузилди (6- расм).



6-расм. Инфарктдан кейинги кардиосклероз беморларни олиб бориш учун клиник алгоритм (диастолик функция ва NT-proBNP асосида)

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кура, олд девор чандиқлари яққолроқ ремоделланиш, СЮЕ оғир кечиши ва асоратлар, жумладан аритмия ва такрорий инфаркт хавфи юқорилиги билан ассоциацияланади. Шу билан бирга, миокарднинг пастки ва ён деворлари чандиқлари кўпинча камроқ ифодаланган аломатлар ва янада ижобий прогноз билан бирга келади.

Ушбу алгоритмда кўрсатилган LAVI, IVRT, E/e' кўрсаткичлари диастолик юклама ва фиброз даражасини акс эттиради. NT-proBNP — юракда юклама ва декомпенсация динамикасини белгилайди. Орқалатерал чандиқли беморлар кўпинча В гуруҳга тушади. Олд-апикал чандиқ: тез систолик ва диастолик функцияни бузади ва кўпинча С гуруҳга тушишади. Ушбу инфаркт зонасининг локализациясига асосланган, диастолик функция ва NT-proBNP билан мужассамланган алгоритм **клиникада юқори самара** беради. Бу ёндашув: СЮЕ ривожланишини 2–2,5 марта камайтиради, беморларнинг ҳолатини индивидуал баҳолайди, даво самарадорлигини яхшилади ва госпитализация харажатларини 30–40%гача қисқартиради

ХУЛОСАЛАР

1. Эхокардиографияда E/A, E/e', IVRT ва LAVI кўрсаткичлари асосида диастолик дисфункциянинг турлари (I, II ва III даражалар) аниқланди. Постинфаркт чандиқ локализацияси ЧҚ диастолик

функциясига сезиларли таъсир кўрсатади. Олд девордаги чандиқ энг ёмон кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлиб, IVRT ортиши ва E/A нисбати пасайиши кузатилади.

2. NT-proBNP даражалари диастолик функция ҳолати билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, уларнинг юқори концентрацияси чуқур диастолик дисфункция ҳолатларида кузатилди. I даражали диастолик дисфункцияда BNP даражаси ўртача 170 ± 30 пг/мл, III даражали ҳолатларда эса 420 ± 50 пг/мл гача юқорилаши қайд этилди. NT-proBNP ҳам шунга мос ўсиш тенденциясини намоён этди. Бу биомаркерлар диастолик функцияни баҳолашда ишончли кўрсаткич сифатида тавсия этилади.

3. Инфарктдан кейинги чандиқнинг анатомик локализацияси (олдинги ва орқа деворлар) чап қоринчанинг систолик функциясига ҳам таъсир кўрсатади. Олдинги локализациядаги чандиқларда систолик фракция паст даражаларда қайд этилган бўлса, орқа локализацияли беморларда бу кўрсаткич нисбатан сақланди. Бу ҳолат миокард устидаги юклама ва механик зарарланган ҳудудлар билан боғлиқ. Олдинги девор инфарктида LADнинг юқори даражада шикастланиши катта миокард ҳажми ишемияси ва оғир ремоделланиш билан боғлиқ бўлса, орқа девор инфарктида асосий зарарланиш RCA/LCxда бўлиб, ишемия ҳудуди чекланганроқ ва проксимал LAD иштироки анча кам учрайди. Мултиваскуляр зарарланиш ҳар икки гуруҳда ҳам кўп учраса-да, клиник оқибатлари олдинги девор инфарктида анча оғирроқ намоён бўлади.

4. Чандиқ локализацияси ва BNP/NT-proBNP даражалари ўртасида клиник аҳамиятли боғлиқлик мавжуд. Олдинги девор инфарктдан кейинги беморларда BNP даражаси орқа локализацияга нисбатан 1,5 баробар юқори бўлган ($p < 0.05$). Бу кўрсаткич юракнинг умумий функционал ҳолати ва ҳажмий юкламаси билан тушунтирилади.

5. Тадқиқот натижаларига кўра, индивидуаллаштирилган клиник баҳолаш ва реабилитация тактикаларида эхокардиография ва натрийуретик пептидлар концентрациясини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Диастолик функция ва пептид даражалари асосида беморларни хавф гуруҳларига ажратиш, даволаш тактикаси ва кузатув интервалларини белгилаш мумкин. Бу ёндашув клиник самарадорликни ошириш ва қайта инфаркт хавфини камайтиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

ЛАТИПОВ АБДУЛАЗИЗ ЯШИНОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ЛОКАЛИЗАЦИИ ПОСТИНФАРКТНОГО
КАРДИОСКЛЕРОЗА НА
ДИАСТОЛИЧЕСКУЮ ФУНКЦИЮ И УРОВЕНЬ НАТРИЙУРЕТИЧЕСКОГО
ПЕПТИДА**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

Бухара – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2023.3.PhD/Tib3750

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель

Аляви Анис Лютфуллаевич
доктор медицинских наук, академик

**Официальные
оппоненты**

Абдуллаева Чарос Абдужалиловна
доктор медицинских наук, доцент

Шодикулова Гуландом Зикрияевна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация

Витебский государственный медицинский университет (Республика Беларусь)

Защита диссертации состоится «___» _____ 2026 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200126, г. Бухара, улица Гиждуван, 23, e-mail: info@bsmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ___). Адрес: 200126, г. Бухара, улица Гиждуван, 23.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2026 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2026 года)

Д.Т. Ходжиева

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.А. Ихтиярова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодно около 15 миллионов человек страдают от инфаркта миокарда, и у большинства из них наблюдается различная степень нарушения функции сердца³. Инфаркт миокарда (ИМ) — это некротический процесс в миокарде, возникающий в результате острой ишемии, являющийся наиболее распространенным сердечно-сосудистым заболеванием в мире и одной из основных причин смерти. В результате некротического процесса,

³ World Health Organization. *Cardiovascular diseases (CVDs). Fact sheet.* WHO, 2023.

происходящего в сердечной ткани после инфаркта миокарда, поврежденная часть миокарда замещается фиброзной (рубцовой) тканью. Это состояние называется «постинфарктным кардиосклерозом». Поскольку рубцовая ткань не способна сокращаться, она значительно ухудшает гемодинамику левого желудочка, особенно его диастолическую функцию⁴.

В мире по-прежнему актуальными остаются диагностика постинфарктного кардиосклероза на ранних стадиях с использованием неинвазивных методов, выявление маркеров развития заболевания, стратификация пациентов по традиционным и нетрадиционным факторам риска, разработка оптимального лечения и алгоритма диагностики заболевания на ранних стадиях. В настоящее время в диагностике постинфарктного кардиосклероза важную роль в прогнозировании повреждения миокарда играет трансторакальная эхокардиография. Влияние постинфарктного кардиосклероза на функцию сердца зависит от его локализации, площади и глубины рубца. Определенные локализации, особенно обширные инфаркты в передней стенке, оказывают сильное влияние на геометрию и податливость левого желудочка, что приводит к развитию диастолической дисфункции и систолической недостаточности. Кроме того, в постинфарктном состоянии повышенные уровни натриуретических пептидов (особенно BNP и NT-proBNP) связаны с увеличением давления и растяжения в сердце и являются важными биомаркерами при оценке сердечной недостаточности и прогнозе у пациентов.

В Узбекистане число случаев инфаркта миокарда ежегодно увеличивается. Одновременно с этим такие факторы, как старение населения, сопутствующие заболевания (гипертония, сахарный диабет, метаболический синдром) и позднее обращение за медицинской помощью, повышают риск постинфарктных осложнений, в частности, сердечной недостаточности вследствие рубцевания. Качественное развитие медицинской сферы в нашей стране имеет большое значение. В этой связи изучение локализации рубцов после инфаркта миокарда, их влияния на диастолическую функцию сердца и уровни биомаркеров является весьма актуальной научно-практической задачей.

Глубокий анализ этой ситуации позволит разработать методы ранней диагностики, прогнозирования и индивидуализированного лечения пациентов после инфаркта. Таким образом, актуальность данного исследования связана с необходимостью разработки более точных диагностических и терапевтических методов, направленных на управление диастолической функцией сердца после инфаркта миокарда. Результаты этого исследования могут внести существенный вклад в практику и позволить создать индивидуализированные схемы лечения для пациентов и улучшить долгосрочные результаты.

Данное диссертационное исследование в определенной степени

⁴ Braunwald E., Zipes D.P., Libby P., Bonow R.O. *Braunwald's Heart Disease: A Textbook of Cardiovascular Medicine*. 11th ed. Philadelphia: Elsevier, 2019.

будет способствовать выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №ПК:5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по всестороннему развитию сектора здравоохранения»³ и Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О 8-й стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы»⁴, постановлениях и других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

Исследование развития республиканской науки и техники разработка технологий VI. Она осуществлялась в соответствии с приоритетным направлением «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Ремоделирование и диастолическая дисфункция после инфаркта миокарда широко изучены в мировой литературе. Исследование Mlynarska E.J. и др. (2024) показало, что ранняя диастолическая дисфункция увеличивает риск развития сердечной недостаточности в будущем и смертности. Jiang H., Fang T. и Cheng Z. (2023) представили углубленный анализ основных патогенетических механизмов сердечной недостаточности после инфаркта миокарда. Научный обзор Vlasopoulou K., Synetos A., Ktenopoulos N. и др. (2025) осветил современные механизмы выявления и лечения диастолической дисфункции левого желудочка. Это согласуется с выводами Remmelzwaal S. et al. (2020), а именно, что NT-proBNP важен как надежный индикатор нарушений диастолического давления и релаксации сердца.

В последние годы ряд исследований был посвящен изучению патогенетических механизмов сердечно-сосудистых заболеваний. Оценка локализации рубцевания, являющегося важным фактором в формировании, клиническом течении и прогнозе хронической сердечной недостаточности, имеет большое значение для разработки терапевтических и профилактических мер (Inamdar A.A., 2016; Беленков Ю.Н. и др., 2021).

